

"ЎЗБЕК МУЛЬТИПЛИКАЦИЯСИ ТАРИХИ"

Мухамедов Азизбек Анварович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, "Овоз режиссёrlиги ва операторлик маҳорати" кафедраси катта ўқитувчиси e-mail:

azizbekacg@gmail.com

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон анимацион студиясининг ташкил этилиши мухити ва сабаблари келтирилган. Мазкур мақолада ушбу студиянинг илк анимацион лоихалари бўлган "Квадрат бхб" ва "Сехрли сандиқ" ижодий гурухи олдида вужудга келган ижодий ва ташкилий масалалари, ҳамда ўзбек анимацияси асосчи бўлмиш Дамир Исмаилович Салимовнинг анимация санъатидаги илк қадамлари келтирилган.

Калит сўзлар: санъат, кино, анимация, режиссура, бадиийлик, маҳорат, рассом, монтаж, оператор, мультипликация, актёр, композиция.

"ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОЙ АНИМАЦИИ"

Мухамедов Азизбек Анварович

Старший преподаватель кафедры "Звукорежиссуры и операторского мастерства" Государственного института искусств и культуры Узбекистана e-mail: azizbekacg@gmail.com

Аннотация: В данной научной статье представлены условия и причины создания первой анимационной студии Узбекистана. Кроме этого рассмотрены творческие и организационные вопросы, стоявшие перед творческим коллективом первых анимационных проектов этой студии таких как «Квадрат бхб» и «Волшебный сундук», а также первые шаги в становлении мультстудии основателя узбекской анимации Дамира Исмаиловича Салимова в искусстве анимации.

Ключевые слова: искусство, кино, анимация, режиссура, артистизм, мастерство, художник, монтаж, оператор, мультипликация, актер, композиция.

Mukhamedov Azizbek Anvarovich

Senior Lecturer of department "Sound direction and cameraman skill" of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture e-mail: azizbekacg@gmail.com

Annotation: This scientific article presents the conditions and reasons for the creation of the first animation studio in Uzbekistan. In addition, the creative and organizational issues faced by the creative team of the first animation projects of this studio, such as "Square 6x6" and "Magic Chest", as well as the first steps in the formation

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-7 ISSUE-6 (30- June)

of the animation studio of the founder of Uzbek animation Damir Ismailovich Salimov in the art of animation, are considered.

Keywords: art, cinema, animation, directing, artistry, skill, artist, editing, cameraman, animation, actor, composition.

Ўзбекистон Республикасининг илк мультиликацион фильмлар студияси 1966 йилда Тошкент шаҳридаги, Комил Ёрматов номли “Ўзбекфильм” киностудияси қошида барпо этилган.

Ўша даврдаги таниқли режиссёrlардан бири, кўплаб машхур кинофильмларни суратга олган истедодли Дамир Исмаилович Салимов ва “Республика қўғирчоқ театри” устахонасида кўп йиллардан бери спектаклар учун турли хажмдаги безакчилик ишларини амалга ошириб келган ҳамда қўғирчоқлар устаси бўлган Самуил Львович Страшнов хаёлларига бир фикир келади. Яъни Ўзбекистоннинг барча болалари учун “Ўзбекфильм” киностудиясида миллий ўзбек мультиликацион фильмларни ишлаб чиқариш.

Бу фикр билан Дамир Салимов Давлат Кинематографияси Вазирлигига мурожаат қилиб, бу ғоя раҳбариятга манзур бўлади ва шу йили илк ўзбек мультиликацион фильмни суратга олинади. 1966 йилда суратга олинган ўзбек мультфильмининг номи “Квадрат 6x6” бўлиб бу фильмда қўғирчоқли технолагиядан самарали фойдаланган. Фильм мазмунни табиат оламидаги муаммоларни кўтариб, инсон учун табиатнинг арзимас кичик бир худудини ифлослантириш хашоратлар оламида қанчадан қанча улкан муаммоларни юзага келтиргани ҳамда бу муаммоларни бартараф этиш нақадар қийинлиги хақидадир. Дамир Салимов ушбу мультфильмни суратга олиш жараёнида кўплаб муаммоларга рўбарў бўлган, сабаби бундан аввал ҳеч ким анимацион фильмни ишламаганди. Бироқ Дамир Салимов Самуил Страшновни бежиз таклиф қилмаганди. Страшнов қўғирчоқларни ясашда уларнинг харакатлантириш механизмини ясашда кўп йиллик тажрибага эга эди. Шу сабабли биринчи анимацион фильм қизиқарли чиққан. Бу мультфильм фантастик жанрга мансуб бўлиб, ўша давр учун ўзбекистон кинематографияси санъатида илк қадам эди ва бу асар барча ёшдаги томошабинга манзур бўлди.

1967 йилда Дамир Салимов ўзимизнинг миллий эртак мавзусига ёндашган холда “Зумрад ва Қиммат” эртаги асосида “Сехрли сандик” номли мультиликацион фильмини яратди. Бу фильмнинг “Квадрат 6x6” га нисбатан фарқи шундаки, Дамир Салимов уни суратга олиш учун кучли рассомлар, оператор, чироқ устаси ва актёrlардан иборат кучли жамоа тўплади. Натижада фильм қаҳрамонлари гротеск харатерли ижобий ва салбий образда ёрқин намоён бўлади. Бу фильм анимация дунёсининг олтин кинофондига кириши ҳам бежиз эмас.

1970 йилларда Мультиликацион фильмлар студиясига янги режиссёр ижодкорлар кела бошлайдилар. Кинорежиссёр Камара Камалова, Кинорежиссёр

Дэлёра Батырова ва таниқли актриса Светлана Муратходжаевалар шулар сирасидандир.

Бу истеъодди аёллар ўзларининг ижод йўлида кўплаб қизиқарли мультиликацион фильмларни суратга олиншган. Барча фильмлар қўғирчоқли услугда суратга олинган бўлиб. Кўпгина кинофестивалларда нуфузли мукофотларга эга бўлишган.

1980 йилларда Мультиликацион студияси сафига янги ижодкорлар саф тортадилар. ВГИК яъни - Высший Государственный институт кинематографии имени Герасимова дан янги қалдироchlар келиб қўшилдилар. Бу ижодкорларнинг аввалгилардан фарқи шундаки, улар бевосита мультиликацион фильмлар рассомлари ва режиссёrlари соҳасини эгаллашганлигидадир.

Кино режиссёр ва рассомлари мультиликацион фильмлар режиссёр ва рассомлари касби орасида катта фарқ бўлганлиги сабабли мультиликацион фильмлар студияси узини имкониятларини тўлалигича номоён эта олмайди. Шу сабабли студияга янги мутахассислар келиши билан, янги ишлаб чиқариш технологиялари пайдо бўлди.

“Яна илиқ ёмғир ёғади” номли мультиликацион фильм Комил Ярматов номидаги “Ўзбекфильм киностудияси” да, 1984 йилда таниқли кинорежиссёр ва актёр Нозим Тўлахўжаев томонидан ишланган.

Фильмнинг қисқача мазмуни шундан ибораки:

Узоқ келажакда, инсоният барча ишларини сунъий ақл, яъни роботларга топширади ва шу сунъий ақл совуққонлик хисоб-китоби натижасида ер юзида роботлаштирилган машиналардан бошқа хеч қандай инсон зоти тирик қолмайди.

Бу асар Рэй Бредбери томонидан инсонлар хаёт тарзини осонлаштириш йўлида ўzlари билмаган холда улкан муаммоларни юзага келтириши мумкинлиги хақида огохлантириш сифатида 1950 йилда яратилган эди.

Нозим Тўлахўжаев бу асарга 1984 йилда ёндашгани бежиз эмас. 1950 йилларда 1990 йилларга қадар Америка ва собиқ СССР давлатлари ўртасида дунёда етакчилик қилиш учун қуролланиш пойгаси мавжуд бўлган ва бу пойга атом қуроларини кўпайтириш билан якун топган. З жаҳон уруши хавфи инсонлар юрагини шу давр ичida хеч қачон тарқ этмаган. Шу сабабли Нозим Тўлахўжаев бу мультфильмни айнан атом кризиси авжида суратга олади.

Фильмда Бир хонадондаги қўл шаклидаги робот машина кундалик тарзи акс эттирилган. Бу робот тонгда инсонларни уйғотаркан футуристик интеръерда инсон қолдиқлари кулга айланган холда, ерга тўкилиб тушади. Конtrapункт сифатида бу мудхиш ва даҳшатли кадрлар сокин ва мулойим мусиқа остида, роботнинг мулойим, лекин бефарқ сўзлари билан овозлаштирилган.

Фильм “перекладка” (ранг берилган ва қирқилкан қоғоз бўлаклари анмацияси) услубида аралаш (тутун ўрнига туз, кул ўрнига қора чой) техникасидан фойдаланган холда суратга олиниши, фильмни янада таъсирли чиқишига сабаб бўлган.

Фильмнинг постановкаси рассоми Сергей Алибеков роботни бежиз қўл шаклида тасвирламаган. Сабаби шундаки қўл ўз-ўзидан яшай олмайди, унга тана керак. Бу сунъий ақл, ўз-ўзидан ишлай олмаслиги ва исон хаётига боғлиқлигига ишорадир.

Фильмнинг якунида хонадонга кириб қолган оқ кабутар тинчлик ва ёруғ келажакни акс эттиради. Робот кабутарни хавф сифатида қабул қилган холда уни йўқ қилишга шошилади. Жанговор мушт шаклига киргар робот кабутарни нобут қилишга қанча уринмасин акси бўлиб чиқаверади. Кабутар қанотларини қоқиб униг зарбаларидан ўзини четга олади ва кучли зарбалар натижасида робот ўзини ўзи йўқ қиласди. Кабутар эса осмонга учиб озод бўлади.

Бу фильм ўз даври учун жудаям долзарб социал муаммоларни кўтарган. Шунинг учун хам кўплаб жаҳон кинофестиваларида нуфузлиўриларга эга бўлган. Хатточи Англия Шахзодаси Чарльз хам Москвага ташрифида бу фильм уларнинг халқи учун жуда катта ахамиятга эга ва Шахзода шахсан фильм ижодкорлари билан танишиш истагини билдирган. Буэътироф Ўзбек ижодкорлари учун жуда кўп ижобий натижажа келтирган ва дунёning олтин кинофондига киритилган.

Таниқли режиссёр ва мультипликатор рассом, куплаб мультипликаторларнинг устози Мавзур Махмудов чизма ва перекладка услубида яратилган “Хўжа Насриддиннинг Саргузаштлари” мультфильмлари учун барча давлатларда юқори даражали режиссёр мақҳомига эга бўлган, Режиссёр ва мультипликатор Азамат Сабиров перекладка, пластилин ва чизма услубида кўплаб таниқли мультипликацион фильмларни суратга олган. Бу инсонларнинг ижод йўлларлари ёш авлодни илхомлантирадива ўбек кинофонди асарларини янада қўпайтиради. Режиссёрлар яратган мультипликацион фильмлар дунёning Европа ва Осиё давлатларида ўтказилган кўплаб кинофестивалларда юқори этирофга сазовор бўлган.

1980 йилларда Мультиликацион фильмлар студиясида янги дебютант режиссёр ва рассомлар пайдо бўлишади.

Режиссёр ва рассом Сергей Алибеков, Рассом Сергей Силко, Рассом Виталий Вахтин, Рассом Сергей Казанбиев. Бу янгича ғояларга эга рассом ва режиссёрлар Ўзбек мультиликациясига улкан хиссаларини қўшган холда ўз ижод йўлларини давом этмоқда.

1990 йилларда Мультстудияга Ёш ижодкорлар келдилар, булар Дмирий Власов, Рустам Рамазанов ва Сергей Чуфарновлар. Хозирги кунда бу инсонлар яратган мультфильмларни курмаган бола бўлмаса керак. “Кулол”, “Борига

барака", "Мушук ва жин", "Қирқ ёлғон", "Қозик" ва бошқалар. Албатта бу фильмлар хам жаҳон кинофестивалларида катта ўриниларга эга бўлишган.

2000 йилда Мультстудия, Мультбирлашма мақомига эга бўлди. Янги мутахассислар ва компьютер технологиялари янги имкониятларни яратди. Кинокамера ва киноплёнка ўрнини энди компьютер ва рақамли технологиялар эгаллади. Хозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг ёш ижодкорлари бу анимацион технологиянинг 2D ва 3D форматида самарали ижод қилиб келишмоқда.